

**ИҚТИСОДИЁТДА ЗАМОНАВИЙ ТЎЛОВ ИНСТРУМЕНТЛАРИ ВА УЛАРНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

Шарипова Н.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академияси

Аннотация: Мақолада тўлов инструментлари ва рақамли технологиялар асосида юзага келаётган янги тўлов усуллари муҳокама қилинган. Дунё мамлакатларида тўлов инструментлари таҳлили келтирилиб, мамлакатимизда тўлов тизимларини такомиллаштириш борасида тегишли хулосалар берилган.

Калит сўзлар: Тўлов тизимлари, тўлов инструментлари, кредит ўтказмалар, тўғридан-тўғри дебет, тўлов карталари, чеклар, криптовалюталар орқали тўловлар.

1. Кириш.

Тўлов тизимлари иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларидан бўлиб ҳисобланади. Чунки мамлакат иқтисодиётини замонавий технологиялар асосида ишловчи тўлов тизимларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Тўлов тизимлари пул мавжуд бўладиган майдондир. Тўлов тизимлари давлат молиясининг барқарорлигига асос бўлиб ҳисобланади, иқтисодиётдаги операцион харажатларни камайтиради, молдиявий ва бошқа ресурсларнинг самарали ишлатилишини оширади, молия бозорининг ликвидлигини кучайтиради ва пул-кредит сиёсатининг олиб борилишига ҳисса қўшади. Шу сабабдан, тўлов тизимларини ривожлантиришни ўрганиш муҳим бўлиб ҳисобланади.

Тўлов инструменти – бу фойдаланувчига пул воситаларини ўтказишга имкон берувчи исталган тўлов воситасидир. Бошқача қилиб айтганда, тўлов инструментини тўлов воситаси деб аташ мумкин. Ахборотни ўз ичига олган ва тўловчига тўловни амалга ошириш, шунингдек тўловчи билан электрон тўлов воситаларининг эмитенти ўртасида тузилган шартномада назарда тутилган бошқа операцияларни амалга ошириш имконини берадиган банк картаси ёки бошқа электрон жисм электрон тўлов воситаларидир.

2. Адабиётлар шарҳи.

Миллий тўлов тизимининг ташкил қилиниши ва тўлов инструментлари кўплаб тадқиқотлар предмети бўлиб ҳисобланади. Ушбу тадқиқотларда тўлов механизмларини кенгроқ таҳлил қилиш мақсадида алоҳида тўлов тизимлари ёки бутун миллий тўлов тизимининг фаолияти ўрганилган. Жумладан, Криворучко ва Лопатин (2013) тўлов инструментларини қуйидаги асосий турларга бўлиб ўрганади: кредит ўтказмалар, тўғридан-тўғри дебет, тўлов карталари, тўлов чеклари ва электрон пуллар. Ушбу олимларнинг ишларида тўлов инструментиға “тўлов воситаси” деб таъриф келтирилган.

Glasheen (2019) ҳозирги пайтда кенг тарқалган тўлов воситаларини бешга бўлиб ўрганади: 1) рақамли тўловлар; 2) банк тўлов карталари орқали тўловлар; 3) кэшбек; 4) мобил иловалар орқали тўловлар; 5) финтех стартаплар.

Тўлов воситалари информацион технологиялар туфайли янгиланиб боради, бироқ моҳияти аввалгича қолаверади. Шу сабабли тўлов инструментларини биз кредит ўтказмалар, тўғридан-тўғри дебет, тўлов карталари, кечиктирилган тўлов (pay later), тўлов чеклари ва рақамли пуллар орқали тўловларга бўлиб ўрганамиз.

3. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Тўлов инструментлари у ёки бу турининг кенг тарқалиши бозордаги тўлов хизматлари талаб ва таклифига боғлиқ. Тўлов воситаларининг ривожланиши истеъмолчилар табиати, уларнинг у ёки бу тўлов воситаларига нисбатан танловига боғлиқ. Истеъмолчилар танловига турли социал-демографик омиллар таъсир қилади, масалан, уларнинг ёши, таълим даражаси, фойдаси, оилавий ҳолати, жинси, ирқи,

машғуллиги ва дини. Тўлов инструментини танлаш учун истеъмолчилар биринчи навбатда иқтисодий жиҳатини (хизмат нархининг юқори бўлмаслиги), тезлиги, ишончлилиги (хавфсизлиги), иш тизимининг соддалиги, шунингдек, шаклланган тўлов одатларини ҳисобга олади. Маълум бир тўлов воситаси жуда хавфсиз, бироқ қиммат бўлиши мумкин, бошқаси эса, паст тарифда, аммо кўп вақтни талаб қилиши мумкин.

Кредит ўтказмаси – бу тўловчининг ўз банкига ўз ҳисобрақамини дебетлаб, тўловни қабул қилувчининг ҳисобрақамини кредитлаш тўғрисидаги фармойиши билан амалга оширилувчи тўловдир. Кредит ўтказмалари энг кенг тарқалган тўлов воситаси бўлиб ҳисобланади. Кредит ўтказмалари тўловчи банкига қоғоз (банк авизоси) ёки электрон кўринишда тақдим қилинади, кейинги қайта ишлаш жараёни, қоидага кўра, электрон кўринишда амалга оширилади.

Банк ўтказмалари пулларни йўқотмаслик жиҳатдан rischi камроқ бўлган тўлов воситаси ҳисобланади. Биринчидан, ҳар бир пул маблағлари эгаси идентификация қилинади, иккинчидан, ўтказмаларни чақириб олиш имконияти мавжуд. Пул ўтказмасидаги маълумотлар шифрланган хабар орқали юборилади.

Банк ўтказмаси дунёнинг исталган банкида ҳисобрақами мавжуд бўлган шахсга пулларни ўтказиш имконини беради. Халқаро банк ўтказмалари махсус давлат хизмати ва ташкилотларининг назорати остида бўлади. Банк ўтказмаларидан ташқари, чакана пул ўтказмалари тизими мавжуд. Чакана пул ўтказмалари тизими тўлов тизимининг бир қисми бўлиб ҳисобланади ва бу тизимда провайдер томонидан аҳолидан пул маблағларини улар кўрсатган манзилга ўтказиб бериш учун қабул қилинади.

Кўплаб халқаро ўтказмалар SWIFT белгия ташкилоти томонидан амалга оширилади, ушбу тизим молиявий хабарларни йўналтиришни таъминловчи Бутунжаҳон тармоқ оператори бўлиб ҳисобланади. Европа банклари ЕИ доирасида ўтказмаларни ўтказишда “Банк ҳисобрақамининг халқаро рақами” коди - International Bank Account Number (IBAN)ни қўллайди.

Тўғридан-тўғри дебет тўловчининг ҳисобрақамини олдиндан келишилган тарзда бенефициар қабул қилувчининг ташаббуси билан дебетланишини ифодалайди. Жами нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг қарийб ¼ қисми тўғридан-тўғри дебет шаклида амалга оширилади.

Дебет тўлов инструментларининг асосий қисми тўғридан-тўғри дебет, карточкалар орқали тўловлар ва чеклар бўлиб ҳисобланади. Тўғридан-тўғри дебет банк мижозлари томонидан такрорланувчи тўловлар (коммунал тўловлар) ва суммаси белгилаб қўйилган тўловлар (суғурта бадаллари, ипотека ва б.) учун ишлатилади. Тўғридан-тўғри дебетни амалга ошириш учун, албатта, тўловчи ташкилот ўз ҳисобрақамида етарли маблағ бўлишини таъминлаши лозим. Тўғридан-тўғри дебет, қоида бўйича, электрон кўринишда амалга оширилади. Масалан, Германияда чакана тўловларнинг қарийб 50%ини ушбу тўлов инструменти ташкил қилади. Ҳозирги пайтда SlimPay, GoCardless, AcceptEasy, Nuapay, TrustPay ёки BlueSnap каби тўғридан-тўғри дебет провайдерлари такрорланувчи тўловлар учун тўғридан-тўғри дебет тўлов усулини маъқул кўрувчи ташкилотлар ишини осонлаштирамоқда. Бу каби тўлов провайдерлари банкларга нисбатан арзонроқ комиссия асосида, қулай ва тез тўловларни амалга ошираётганлиги билан банклар учун муносиб рақобатчи бўляпти (Păstrăvanu, 2019). Масалан, Европадаги SlimPay тўлов провайдери ўз мижозларига тўғридан-тўғри дебет ва тўлов карталари орқали тўловларни қабул қилишларига имкон яратади, мижозларининг ҳисобрақамлари бўйича ҳисоботларни тақдим қилиш имконига эга (Traisnel, 2019). Бу имкониятлар тўлов провайдерларининг банклар учун ҳақиқий рақобатчи бўлиб бораётганлигини тасдиқлайди.

Электрон тижоратга хос бўлган яна бир тўлов усуллари сифати *кечиктирилган тўлов (pay later) механизмини* ҳам келтиришимиз мумкин. Қоида бўйича ушбу тўлов механизми икки усулда амалга оширилади:

- Товар ёки хизматни қабул қилгандан кейин кечиктирилган ҳолда, бироқ ҳеч қандай комиссия ва фоизларсиз тўловни амалга ошириш. Afterpay, Klarna ва Splitit каби тўлов провайдерлари шу каби кечиктирилган тўлов усуллари тақдим этади.

- Олинган товар учун кейинги бир неча ой давомида бўлиб-бўлиб тўлаш шarti асосида бериладиган истеъмол кредити. Бунда истеъмолчи фоиз тўловларини амалга оширади.

Бу каби тўлов механизмининг оммалашувига machine learning технологиялари ҳамда сунъий интеллект технологияларининг ривожланиши ёрдам беради. Чунки бундай тўловларда сотувчи томон харидорнинг тўловга лаёқатлилигини лаҳзада

аниқлаб, кечиктирилган тўлов асосида товар ва хизматларини тақдим қилиши талаб қилинади.


Тўлов карточкалари (дебет ва кредит карталар) – кредит ташкилоти ёки махсус карточкалар бўйича ташкилот томонидан чиқарилиб, бу карта шуни англатадики, карта эгаси ўз картасидан пул ечиши (дебет карта бўйича) ёки белгиланган лимит доирасида кредит линиясидан фойдаланиши (кредит картаси бўйича) мумкин. Тўлов карточкалари нақд пулсиз тўловларнинг катта қисмини ташкил қилади.

Дебет карталари банк ҳисобрақамига улаб қўйилган ва карта эгасига харидлар учун терминал орқали тўловларни амалга оширишга ҳамда банкомат орқали нақд пул ечишга имкон беради. Карта эгаси дебет картани ишлатганида тўлов унинг ҳисобрақамидан ўша лаҳзада ёки бир неча кун давомида ечилади, дебет карта бўйича кечиктирилган тўловлар бўлмайди.

Кредит карталари карта эгасига кредит линиясини тақдим қилади, шунингдек, тўловларни кечиктириш имконияти мавжуд бўлади. Кредит линиясининг миқдори ва давомийлиги карта эгаси ва эмитенти ўртасидаги келишув шартномасига боғлиқ бўлади. Кредит линияси ишлатилганида қарздорлик суммаси белгиланган давр мобайнида тўлиқ ишлатилиши ёки белгиланган даврда қисман ишлатилиб, кредитнинг ишлатилмай қолган қисмига фоиз ҳисоблаб, унинг муддатини чўзилиши мумкин. Кредит карталар орқали тўловлар жаҳонда кенг тарқалган бўлиб, Mastercard, Visa, JCB, Discover & Diners Club, American Express, China UnionPay, RuPay, Chase кредит карта брендларини мисол келтириш мумкин. Дебет карталар бўйича тўловлар Visa Debit, Debit Mastercard, Maestro, Dankort (DK), V PAY card, PostFinance Card, Interac debit cards халқаро дебет карта брендлари томонидан амалга оширилади.

Мобил қурилмалардаги электрон ҳамёнлар орқали тўловлар йилдан-йилга дунё бўйлаб оммалашиб бормоқда. Juniper Research маълумотларига кўра, 2019 йил охирида 2.1 млрд. аҳоли тўловларни амалга ошириш ёки пул юбориш мақсадида электрон ҳамёнлардан фойдаланган. yStats маълумотларига кўра, бу аҳолининг учдан икки қисми Осиё-Тинч океани ҳудуди аҳолисига тўғри келади. Энг йирик мобил электрон ҳамёнлар Apple Pay, Google Pay ва Samsung Pay бўлиб ҳисобланади (Constantinescu, 2019). Электрон пуллар — электрон пуллар эмитентининг электрон шаклда сақланадиган ҳамда электрон пуллар тизимида тўлов воситаси сифатида қабул қилинадиган шартсиз ва чақириб олинмайдиган пул мажбуриятларидир.

Ўзбекистон Республикасининг “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги Қонунининг қабул қилиниши электрон пуллар муомаласини, жумладан, электрон пулларни чиқариш, фойдаланиш ва уларни қоплаш бўйича амалга ошириладиган фаолиятнинг ҳуқуқий асосини яратиб берди. Ушбу қонун асосида “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида электрон пулларни чиқарилиши ва муомалада бўлиши қоидалари” ишлаб чиқилиб, Адлия вазирлигида 2020 йил 29 апрелда 3231-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реализация қилинган товарлар, ишлар ва хизматлар учун тўловларни амалга оширишда фақат республикамиз ҳудудида чиқарилган электрон пуллар қабул қилиниши белгиланган.




1-расм. Дунё бўйича амалга оширилган тўловлар таркибидаги ўзгариш¹.

¹ World Payments Report 2019 – Capgemini Research Institute, p.35, Bank for International Settlements Red Book, 2017.


Дунёнинг у ёки бу минтақасида истеъмолчилар томонидан тўлов инструментларининг қайси турини танлашлари шу минтақа аҳолисининг менталитети, молиявий саводхонлиги ва молиявий хизматлар бозорида тўлов агентларининг тақдим қилаётган хизматлари ишончилигига боғлиқ бўлади. Юқорида келтирилган диаграммада биз Саргеіні тадқиқот институтининг 2013 йилдан 2018 йилгача бўлган даврда дунё бўйича қўлланилган тўлов инструментларидаги ўзгаришларни фоиздаги улушларда келтирдик (1-диаграмма). Албатта, бу ҳисоблар умумий бўлиб, ҳар бир мамлакат бўйича таҳлилда алоҳида мамлакатнинг ривожланиш даражасидан келиб чиқиб, кескин фарқ қилиши мумкин. Маълумотлардан кўринадики, тўлов карталари орқали тўловлар сўнги йилларда ошиб борган (2013 йилдаги 62% дан 2017 йилда 69% га етган). Тўғридан-тўғри дебет усулидаги тўловлар умумий ҳисобда 2013 йилдаги 12% дан 2017 йилда 10 % га тушган. Кредит ўтказмалари ҳажми ўзгаришсиз 17% да қолган бўлса, чеклар орқали тўловлар 2013 йилдаги 8% дан 2017 йилда 4% га тушган.

Яна бир эътиборга молик жиҳати шундан иборатки, сўнги йилларда электрон тижорат орқали харидларда онлайн харидорларнинг тўлов инструментларида кўпроқ электрон ҳамёнлар орқали, электрон пуллар орқали тўловларни амалга ошираётганлигини кузатишимиз мумкин. Электрон тўловлар хизмати оммавийлик бўйича кредит карталардан кейин иккинчи ўринни эгаллайди (2-диаграмма). Бу ўринда дунё бўйлаб криптовалюталар орқали тўлов усулларининг кенгайиб бораётганини таъкидлаш зарур.



2- расм. Дунё бўйича онлайн харидорларнинг танлаган тўлов усуллари, 2017 йил².

Яна бир таъкидлаб ўтиш лозим бўлган маълумотлардан бири шундаки, тўлов инструментларидан фойдаланиш жиҳатдан ривожланган давлатлар ва ривожланаётган мамлакатларда сезиларли фарқ кўзга ташланади.



3- расм. Марказий банклар томонидан муҳим деб тан олинган тўлов инструментлари³.

² <https://agilie.com/en/blog/digital-wallets-types-ideas-and-future-of-such-products>

³ PAYMENT SYSTEMS WORLDWIDE A SNAPSHOT - SUMMARY OUTCOMES OF THE FOURTH GLOBAL PAYMENT SYSTEMS SURVE, SEPTEMBER 2018//The World Bank Group, p.39

Маълумотларидан шу кўринадики, Жаҳон банкининг олиб борган сўровномасига кўра, ривожланаётган мамлакатларда 55 фоиз марказий банклар нақд пулдаги тўловларни муҳим тўлов инструменти сифатида эътироф этган, ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич учдан бир қисмдан ортиқроқ (37 фоиз) кўрсаткичга эга.

4. Хулоса ва таклифлар.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, шуларни хулоса қилишимиз мумкинки, тўлов тизимларининг ривожланиши молиявий техника янгиликлари билан узвий бўлиши лозим. Бунда бажарилиши лозим бўлган вазифалар сифатида қуйидагиларни келтирамиз:

1. Молиявий техникалар ва трансчегарвий тўловлар борасида катта ўзгаришлар бўлаётган бир даврда истеъмолчиларнинг замонавий технологиялардан фойдаланиш имконияти ва молиявий саводхонлигини ошириш масаласида давлат ва хусусий сектор тўлов ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш лозим.

2. Замонавий тўлов инструментларининг кенг қўлланилиши тўлов тизимларининг хавфсизлиги ва конфеденциаллигини пасайтириши мумкин. Бу борада ҳуқуқий ва норматив базанинг кучайтирилиши, рискларнинг бошқарилиши, комплаенс ва молиявий кузатувга янгича ёндашув криптовалюта каби замонавий тўлов инструментларидан фойдаланишга йўл очади.

3. Технологик инновациялар шуни талаб қилмоқдаки, тўлов инфратизими доимий равишда ўз хизматларининг инновацион тўлов усулларига мос кела олишини назорат қилиб, янгича бозор талабларига мослаштириб бориши керак. Шу сабабли, тўлов инфратизими ва ахборот-коммуникация инфратизими орасида узвий ҳамкорлик ўрнатилиши лозим.

Адабиётлар:

Ana Păstrăvanu, "Direct Debit Trends and Updates" – The Paypers - Payment Methods Report 2019 Innovations in the Way We Pay, p.63

Jasmine Glasheen (2019) Payment Depot Popular Payment Methods for Millennial Customers, The Paypers - Payment Methods Report Innovations in the Way We Pay.

Jérôme Traisnel (2019) The CEO and Founder of SlimPay, The Paypers - Payment Methods Report 2019 Innovations in the Way We Pay, p.65

Raluca Constantinescu (2019) "E-wallets, Mobile Wallets, and P2P Payments The Evolution and Adoption of E-wallets" – The Paypers - Payment Methods Report 2019 Innovations in the Way We Pay, p.27

The World Bank Group (2018) Payment systems worldwide a snapshot – Summary outcomes of the fourth global payment systems survey, September //

World Payments Report (2019) Capgemini Research Institute.

Криворучко С.В., Лопатин В.А. (2013) Национальная платежная система: структура, технологии, регулирование Международный опыт, российская практика, Москва.

Қонун (2019) Ўзбекистон Республикаси "Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида"ги 578-сон.

Қарори (2020) Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки бошқарувининг "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида электрон пулларни чиқарилиши ва муомалада бўлиши қоидалари" 3231-сон. 29.04.2020й.